O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 3 март, № 42 (3587) Пайшанба

Дилларда, гулларда Наврўз навоси

Мартнинг боши илиқ келди. Момолар токчадан жажжи тугунчаларини олишлари билан хонани райҳон ҳиди тутди. Сингиллар турфа гуллар номини санашга тушди. Оталар тез-тез осмонга қараса, оналар уй эшикларини ёпмай қўйди. Остоналар бир азиз меҳмонини соғингандай... Ҳадемай бутун ҳовлини қалдирғочлар чуғур-чуғури босиб кетади...

Баҳорни келинчакка қиёслашади. «Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр», дейдилар. Бугун бутун ўлка ана шу гўзалликни тараннум этаётгандай. Буни ҳов олисдаги адирликда ёнбош қўйиб, узоқларга термулган чўпон нигоҳидан ҳам, энди куртак ниш ураётган дарахтига меҳр-ла боқ-қан боғбон кўзларидан ҳам, бир кафт тупроқни энтикиб-энтикиб ҳидлаган деҳқон завқидан ҳам илғаш мумкин.

Мактабдан энди қайтган болакай Наврўз ҳақида шеър ёдлаганини барчага ғурурланиб маълум қилди. Ҳамма қизиқиб, жон қулоғи билан эшитди уни. Ўзбекда нон, она сўзлари дилга қандай яқин бўлса, Наврўз ҳам шундай эъзозлидир.

Суратқаш мухбиримиз Рашид Галиев олган суратларда Наврўзга пешвоз чиқаётган юртдошларимиз акс этган.

Танқидий таҳлил этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби аъзолари иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига оид масалалар юзасидан жойларда тадбирлар белгиланмоқда.

АНДИЖОН

Андижонда бўлиб ўтган йиғилишни вилоят ҳокими С.Бегалиев бошқарди.

Таъкидландики, ўтган йилда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва фермерликни ривожлантириш ҳисобидан вилоятда ижобий ўзгаришларга эришилди.

Шу билан бирга, мавжуд муаммолар танқидий таҳлил этилди.

Вилоятдаги 96 асосий саноат корхонасининг аксарияти маҳаллий хомашё асосида ишласа-да, улардан 42 тасида саноат маҳсулотлари, 36 корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган. 2004 йилда ташкил этилган янги иш ўринларининг 15 фоизигина доимий ҳисобланади.

Санацияга тушган корхоналарнинг ташқи бошқаруви фаолияти устидан мониторинг юзаки амалга оширилмоқда. Шу сабабли бундай корхоналарнинг бюджет олдидаги қарзлари каттали-гича қолмоқда. Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармалари, республика товар-хомашё биржаси филиалининг фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик тармоғидаги ишлар аҳволи, ижтимоий соҳа, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги аҳвол ҳам жиддий танқид қилинди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар учун мутасадди раҳбарлар шахсан жавобгар эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

СИРДАРЁ

Йиғилишни вилоят ҳокими А.Жалолов бошқарди.

Таъкидландики, ўтган йили 2003 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8,4 фоиз ошди. Қишлоқ хўжалиги ва товар маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, капитал қўйилмалар ва пудрат ишлари, пулли хизматлар ҳажми ўсиши таъминланди.

Йиғилиш иштирокчилари вилоятда ҳали фойдаланилмаган заҳиралар борлигини қайд этдилар. Жумладан, "Гулистонэкстрактёг" акционерлик жамияти ва "Турон" пахта тозалаш заводи, "Сарбонтекс" қўшма корхонаси каби йирик корхоналарда қолоқликка йўл қўйилди. Улар томонидан 1,6 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилган. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган Боёвут, Сирдарё, Гулистон ва Сайхунобод туманларидаги "Боёвут-ЖЛИ", "Гупро", "Рустам" ва "Сайхун-поя" корхоналари фаолият кўрсатмаяпти.

2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, вилоятда хорижий инвестиция иштирокидаги 46 корхона рўйхатга олинган. Бироқ, ҳисобот даврида фақат 22 корхона жамоаси маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Халқ хўжалиги объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ масалалар муайян эътирозларга сабаб бўлмоқда. Тадбиркорларга бепул берилган 14 объектнинг ётитасига қисман, учтасига эса умуман инвестиция жалб қилинмаган.

Йиғилишда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э.Ғаниев сўзга чиқди.

(ЎзА).

Қаҳри қаттиқ қишнинг дами кесилди. Кўкламнинг илк кунлариданоқ водий тарафларга баҳорий илиқ, наҳорий тиниқ оби-ҳаво оқими кириб келди.

Азалий ва абадий айём

Таркиб топган анъана боис, Наврўз байрами тадоригини кўриш учун Фарғона вилоят ҳокимлигига тўпланган маслаҳат Кенгаши аъзолари, иштирокчилари бу йилги байрам аввалгиларидан ҳам мазмун, ҳам моҳият жиҳатидан кескин фарқ қилишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Чунончи, илгаригидай ўйингоҳ, сайилгоҳларда жам бўлиб тадбир ўтказиш мавриди ўтди. Халқимизнинг энг қадимий, ардоқли байрами элнинг чинакам сайлига, базмига, кўнгил мулкига айланиши лозим. Бунинг учун эса вилоятнинг олис овул ва қишлоқларидан тортиб, марказий шаҳарларигача бир тартибда, чинакам халқ сайли, байрами сифатида ўтишига маҳаллий бошқарув органларидан тортиб, ҳокимларгача масъул эканлиги очиқ-ошкора айтилди. Халқ сайли ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага кириб борсагина Наврўзнинг муродбахшлигини таъминлаш мумкинлиги ҳақида сўз борди.

Илгари Наврўз байрами кунлари Фарғона шаҳридаги истироҳат боғига катта саҳна ўрнатилиб, барча томошалар шу ерда ўтказиларди. Энди шаҳарнинг аҳоли гавжум томошагоҳ мавзеларида еттита саҳна барпо этилади. Халқ суйган санъаткорлар ҳар бир саҳнада галма-гал чиқишлар қилишади. Дастур бўйича концертлар эрта тонгдан оқшомгача давом этиши режалаштирилмоқда.

Марғилонда кўп йиллик анъанага биноан эрта тонгда карнай-сурнай садолари байрамга чорласа, Қувасойнинг таърифли боғларида эл-юртга ош тортилади, Данғарада эса сумалак сайли авжига чиқади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«СИРҒАЛИ» БОҒИДА САЙИЛ БЎЛАДИ

Наврўз — одамларни бунёдкорликка, атроф борлиқни ободонлаштиришга, экиш, кўкартириш каби баҳор ишларига чорловчи айём эканлиги жўшқин бир руҳда кўзга ташланиб турибди. Бундай хайрли амалларга пойтахтимизнинг Сирғали тумани аҳолиси ҳам енг шимариб киришиб кетдилар.

Туман ҳудудига қадам босишингиз биланоқ буни яққол ҳис этасиз. Аввало, Сирғалининг марказига олиб кирадиган катта йўл орасига турнақатор қилиб арча ниҳоллари экилмоқда. Атроф бирдан чирой очиб кетгандай, қараган кўзни қувонтиради.

Шу кунларда туман маҳаллаларида икки минг туп арча ва олти минг туп терак кўчатлари ўтқазилди. Улар яқин йилларда Сирғали кўркига янада кўрк қўшади.

Биз туман маҳаллалари ичига йўл оламиз. «5-Сирғали» даҳасида бўш ётган тахминан икки гектарлик сайхон ерда маҳалла аҳли учун кичик истироҳат боғи барпо этиш режалаштирилган экан. Ҳозир бу ерда шунга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

— Маҳалламизда бундан ташқари яна иккита спорт майдончасини бунёд этамиз. Насиб этса, улар Наврўз айёми кунида болаларга муносиб совғамиз бўлади, — дейди маҳалла ҳудудидаги «Зафарали» уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи Норхўроз Бўронов. — Бутун маҳаллани ободонлаштириш талаблари асосида тартибга келтираяпмиз. Масалан, ортиқча сим-чивиқ тўсиқларни олиб ташлаб, уйларнинг атрофи очилмоқда. Йўллар, ариқлар, даҳа орасидан ўтадиган канал тозаланаяпти. Кўкариб турган дарахтларга шакл берилиб, қўшимча кўчатлар экилмоқда. Ўтган шанба куни маҳалла фуқароларидан икки юз киши ҳашарга чиқиб, ободонлаштириш ишларида фаол қатнашди. Худо хоҳласа, Наврўз айёмини биз хизмат қилаётган маҳалла энг ораста гўшаларидан бири сифатида кутиб олади.

— Наврўз азал-азалдан меҳр-мурувват ва саховат айёми бўлиб келган, — дейди биз билан суҳбатда Сирғали тумани ҳокими ўринбосари Дилором Эшбоева. — Бу гўзал байрам арафасида туманимиз тасарруфидаги кам таъминланган оилалар фарзандларидан 185 нафарининг суннат тўйларини кўнгилдагидай ўтказиш учун ҳозирлик кўраяпмиз. Бундан ташқари, туманимиз ҳудудидаги уруш ва меҳнат фаҳрийларидан 85 нафарини байрам кунларида хонадонларига бориб йўқлаш учун совға-саломларни ҳозирлаб қўйдик. «Сирғали» марказий боғида эса катта ва гаштли байрам сайиллари ўтказилади. Боғни ана шу айёмга ҳар тарафлама шайлаяпмиз.

Туманда Наврўзга ҳозирлик қизғин давом этмоқда.

Михли САФАРОВ.

Жойлардан хабарлар

Стоматологлар маслаҳатлашишди

Ўзбекистонда биринчи маротаба Халқаро стоматологик анжуман — Dental Salon Uzbekistan ўтказилди. Йиғин Стоматологиядаги янги технологиялар мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция билан очилди.

Конференцияда Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош стоматологи, Россия Федерациясининг Тиббиёт фанлари академияси академик В. Леонтьев, академик И. Лебеденко, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош стоматологи С. Аъзамхўжаев, Қозоғистон Стоматологлар Ассоциациясининг Президенти О. Рузуддинов ва бошқалар маъруза қилдилар. Конференция доирасида «Dental Salon Uzbekistan 2005» кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда Европа, АҚШ ва МДҲ мамлакатларининг стоматология материаллари ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялари иштирок этди.

М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Деновда мақомчилар дастаси

Деновда мақомчилар дастаси ташкил этилди.

— Мақомчилар дастасига асосан ёш ижрочилар жалб қилинади. Ижрочилар, табиийки, кўрик-танловдан ўтказилади, — дейди туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Тоштемир Турдиев. — Айни пайтда бахшилар, фольклор санъати усталари ҳам мақом дастаси қошида ўз маҳоратларини ошириб боришади.

Денов — санъатга ошуфта эл. Бу заминнинг ўз ҳофизлари бор. Янги даста бугунги ёшлар ичидан ҳам катта санъаткорлар етишиб чиқишига хизмат қилажак.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Икки халқаро кўргазма

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"нинг марказий павильонида "Қурилиш ва ички безак, иситиш ва вентиляция" мавзусида 6-халқаро кўргазма иш бошлади. "Ўзқурилишматериаллари", "ITE Uzbekistan" компаниялари, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада Ҳамдўстлик давлатлари ҳамда 14 та хорижий мамлакатнинг 60 дан зиёд компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Бу маҳсулотлар орасида қурилиш ва қурилиш техникаси, пардозбоп материаллар, иситиш ва вентиляция, дераза, эшиклар, витражлар, сауналар, ҳаммомлар, бассейнлар, сантехника ва керамика, ички безак, дизайн, меъморчилик, лойиҳалаштириш, электротехника ва ёритиш товарлари бор.

Марказий павильоннинг иккинчи қаватида, "Мебель: ишлаб чиқариш технологиялари" мавзусида 2-халқаро кўргазма ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу тадбирда 20 га яқин давлатлар ўз маҳсулотлари билан қатнашаётир. Уларнинг 70 фоиздан ортиғи республикамиз улушига тўғри келади. Замонавий, ўта юқори дизайнли ва жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган меҳмонхона, ётоқхона, ошхона ва бошқа турли хил мебеллар ҳар бир кишининг эътиборини тортмоқда.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТДА: кўргазма фаолиятидан лавҳа.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Академик лицейга замонавий компьютерлар

Самарқанд давлат университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейининг фаолият кўрсатаётганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. 1050 нафар ўқувчига мўлжалланган лицейда ёшларга тўғри йўналиш бўйича таҳсил берилаяпти.

Яқинда мазкур академик лицейга Туркия Республикаси Бош вазири девони ҳузуридаги Туркия ҳамкорлик ва тараққиёт идораси — ТИКА томонидан беғараз ёрдам кўрсатилди. Бу совға 4 та компьютер синфидан иборат эди. 52 та компьютер, тўрттадан принтер, скайнер, проектор ва бошқа жиҳозларни ўз ичига олган ушбу ёрдамнинг умумий қиймати 49945 АҚШ долларини ташкил этади.

Яқинда компьютер синфларининг очилишига бағишланган маросимда ТИКА вице-президенти Адан Текшин, Ўзбекистондаги Туркия Халқаро ҳамкорлик агентлигининг Дастурлар координатори Фарук Уйсал сўзга чиқиб, ТИКАнинг бугунги фаолияти, мақсад ва вазифалари, Ўзбекистон ва Туркия мамлакатлари ўртасидаги дўстона алоқалар ҳақида гапиришди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жаҳон 24 соат ичида

Йигирма йилдан сўнг...

Жаҳон ҳамжамияти талаблари ва Исроил ҳамда Фаластин муносабатларининг илиқлашиши Сурияни ҳам Ливандан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга ундамоқда. Маълумки, сурия-лик ҳарбийлар қўшни давлат ҳудудида 20 йилдан буён сақланмоқда.

— Қўшинлар тез орада, яъни яқин ойлар ичида чиқарилиши мумкин, — деди Сурия президенти Башар Асад «Time» газетасига берган интервьюсида.

Маълум бўлишича, Башар Асаднинг бугун Саудия Арабистонига келиши кутилмоқда. Асад ушбу мамлакат раҳбарияти билан қўшинларини олиб чиқиш ва Ливандаги вазият ҳақида музокаралар ўтказади.

Трибунал аъзосига суиқасд

Ироқ пойтахти Бағдодда жангарилар Саддам Ҳусайн даврида ишлаган юқори лавозимли ҳукумат вакилларини суд қилаётган махсус трибунал аъзоси ҳамда унинг қариндошини ўлдиришди. Маълумотларга қараганда, суиқасд Барвез Марван исмли судья ва унинг шериги ишга кетаётганда уюштирилган.

Аввал ҳам жиноятчилар Ироқ суд ҳукумати вакилларига нисбатан ҳужумлар амалга оширишган, бироқ махсус трибунал аъзоларига биринчи бор суиқасд уюштирилди, деб хабар беради Би-би-си мухбири.

Умуман трибунал 20 нафар аъзодан иборат. Марван суриштирув ишлари олиб бораётган судьялардан бири эди.

БМТ зарба берди

БМТ тинчликпарвар кучлари томонидан Конго Демократик республикасида фаолият юритаётган 50 нафар исёнчи йўқ қилинди. Улар ўтган ҳафта БМТнинг 9 нафар аскарини ўлдиришган эди.

Бундан бирмунча аввал Конго ҳукумати мазкур ташкилотнинг уч нафар дала қўмондонини қўлга олгани ҳақида маълумот берганди.

Қотиллик фош этилди

Украина ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари журналист Георгий Гонгадзе ўлдирилишига дахлдорликда айбланаётган 3 кишини ҳибсга олди. Ушбу ахборотни тарқатган маҳаллий телевидение «5 канал»ида айтилишича, улардан икки нафари полковник, яна бири эса генерал унвони эгаларидир. Уларнинг учаласи ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари экан. Ҳозир айбланаётганлар устидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда экологик индикаторларнинг аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма "Атроф-муҳит" дастури ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ва элчихоналар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ ЙЎЛИДА

Экологик индикаторлар ёрдамида атроф-муҳит ҳолати, табиатга инсон фаолияти натижасида етказиладиган салбий оқибатларни аниқлаш мумкин. Бу экологик мувозанатни сақлашга йўналтирилган тадбирлар ижроси ва унинг самарасини кузатиш имконини беради. Экологик индикаторларни танлашда ҳар бир давлат ўзининг табиий-географик жойлашуви, иқлими ва бошқариш тизимининг ўзига хослиги, ҳудудидаги барқарор ривожланишга тўсиқ бўлаётган долзарб экологик муаммолар нуқтаи назаридан ёндашади.

Мамлакатимиз ҳукумати ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма "Атроф-муҳит" дастури томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган "Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолати мониторинги учун экологик индикаторлар" лойиҳаси юртимизда экология соҳасида ягона давлат мониторингини юритишга ёрдам беради, табиатни муҳофаза этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мазкур лойиҳа доирасида миллий индикаторларни тайёрлаш учун мамлакатимизда атроф-муҳитнинг ҳолати бўйича мавжуд маълумотлар базаси ҳамда бу борадаги халқаро тажриба асос сифатида олинган.

Анжуманда сув, ҳаво, тупроқ мусаффолигини ва биохилмахилликни асраш, чиқитларнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига етказадиган салбий таъсирининг олдини олиш, Орол бўйидаги нохуш экологик вазиятни яхшилаш, табиий захиралардан оқилона фойдаланишга оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Нуробод яйловларида



Нуробод тумани қорақўлчиликка ихтисослашган. Айни пайтда юз минглаб гектарга эга бўлган беполён Жом, Ўртабўз ва Қарнаб чўлларида 123,5 минг бошга яқин қўй-қўзи, 234 бош йилқи ва 230 бош туя парвариш қилинмоқда. Шу кунларда чорвадорлар учун масъулиятли давр, яъни қўзилатиш мавсуми бошланмоқда. Бу ишга пухта тайёргарлик кўрилганлиги боис, у муваффақиятли ўтмоқда. Нурободлик чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан 95-100 бошдан қўзи олиш, уларнинг 70 фоизини ўстиришга қолдириш учун фидокорона меҳнат қилишяпти. Шунингдек, жаҳон бозорида талаб катта бўлган қора, сур, оқ ва шерози қорақўл терилари олиш учун олимлар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Айниқса, бу борада "Улус" ширкат хўжалигида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир.

Суратларда: Носир Тўхтаев бош чўпон бўлган яйловларда; чўл бекаси Адолат Тўхтаева нон ёпди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Янгича ёндашув — давр талаби

Аҳволни ўнглашимиз шарт

Президентимизнинг Оқсаройда Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби билан бўлган йиғилишдаги нутқини берилиб ўқиб чиқдик. Ушбу нутқда нафақат ҳукумат аъзоларига, балки шу Ватанга дахлдор бўлган ҳар биримизга тааллуқли вазифалар баён этилган. Шунингдек, йил якунлари муҳокамасига, «Ислоҳотларни амалга ошириш ва эркинлаштириш жараёнларига нималар, қандай муаммолар ғов-тўсиқ бўлиб турибди?» деган савол масала сифатида қўйилгани бизга жуда маъқул бўлди.

Дарҳақиқат, эркинлаштириш — бу қўл-оёғимизни кишан каби боғлаб турган ҳар қандай тўсиқлардан бутунлай халос бўлиш дегани.

Шу муносабат билан бизнинг вилоятимизда ишларнинг юришиб кетишига нималар халақит бераётганлиги ҳақида сўз юритмоқчи эдим. Кейинги йиллар мобайнида Сирдарё вилоятидаги аҳвол нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчиликни ўйга толдирмоқда. Бир томондан, мустақиллик йилларида ушбу заминдаги бунёдкорлик ишлари, янги қад ростлаган кўркам иншоотлар одамнинг баҳри-дилини очади. Лекин вилоят агросаноат мажмуида иқтисодий кўрсаткичлар йилдан-йилга пасайиб бораётганлиги, қолоқлик гўё Сирдарё учун одатий ҳолга айлангани масаланинг жиддийлигини кўрсатади.

Хўш, бир вақтлар файз ва барака рамзига айланган, ширин-шакар мевалар, юқори навли пахта маскани ҳисобланган Сирдарёга нима бўлди? Орқага кетишнинг аянчли натижалари шунчаликки, ҳатто айрим кишилар аҳволни ўнглашнинг иложи йўқ, деган гапни айтишгача бориб етдилар. Йўқ, аслида ундай эмас, Сирдарёни кўтарса бўлади.

Бунга, энг аввало, қўриқ замин бағрида вужудга келган тажриба, эзгу анъаналар асос бўлади, деб ўйлайман. Сирдарё шўролар давридаги ерга нисбатан нуқул истеъмолчилик муносабатининг оқибати туфайли мушкул вазиятга тушган. Бу борада аҳволни ўнглаш, одамлар руҳи, кайфиятини кўтариш учун ишимизга халақит бераётган ғовтўсиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирини топиш керак. Бу мақсадга эса қуруқ гап билан эмас, амалий ҳаракат орқали эришилади.

Афсуски, вилоятимизнинг баъзи хўжаликларида техниканинг «т» ҳарфини билмайдиган кишилар ихтиёрига машина-механизмлар бериб қўйилган. Айрим ҳолларда хўжаликлардаги асосий воситаларни арзимас баҳога пуллаб юбориш одатий ҳолга айланган. Хўш, нега шундай аҳволга йўл қўйилмоқда? Гап шундаки, хусусийлаштириш ниқоби остида мол-мулкни рамзий баҳога сотган мутасаддилар харидордан ноқонуний равишда «усти»ни олишни кўзлаб эгри ҳаракат қилишмоқда.

Ҳозирги кунда ҳам, ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳволни тубдан яхшилаш учун бир қатор иллатлар тўғаноқ бўлмоқда. Уларни ўз номи билан атайдиган бўлсак, мақсадга эришиш йўлида тўсиқ бўлаётган ҳолатлардан бири ортиқча мажлисбозликдир. Тасаввур қилинг: туман миқёсидаги йиғилишга барча фермерлар, мактаб директорлари, ташкилот раҳбарлари деярли ҳар куни чақирилади. Ўйлаб қарасангиз, бу йиғилишга фақат далада ишлаётган тракторчилар таклиф қилинмас экан. Айрим мутасаддилар 20-25 километр йўл босиб, «ислоҳотларнинг бориши таҳлил қилинадиган» йиғилишга етиб келадилар. Ахир, бу айнан ислоҳотларни обрўсизлантириш эмасми?! Кунда, кунора мажлис қилинса, ишлашга қачон фурсат топилади?

Яна бир нохуш иллат — бу кўзбўямачиликдир. Шу кеча-кундузда туманимиздаги катта йўлдан ўтсангиз, кўча четларига маҳаллий ўғит уюмлари тўплаб қўйилганлигини кўрасиз. Булар юқоридан берилган топшириқ — «далага гўнг чиқариш» деган бандни бажариш учун қилинган. Аммо топшириқ берган ўша идора «ўғитни далага солиш» деган қисмини унутган кўринади. Нима эмиш, биз ўғит чиқардик, дейиш учун шундай манзара ҳосил қилинаётганмиш. Ахир, бу кўзбўямачилик, ўз-ўзимизни алдаш эмасми?! Нега бирор раҳбар ўша ўғит 2-3 ойдан буён очиқ ҳавода ётганлигини сўрамайди?

Ўтган йили тажриба ўрганиш мақсадида бир гуруҳ мутахассислар қаторида Германия сафарида бўлиб қайтдим. Касбим тақозосига кўра, ўша давлатдаги ўқув муассасалари фаолияти билан танишдим. Ушбу сафар мобайнида фермерларнинг иш тарзини ҳам кўздан кечирдим. Германияда техника воситаларидан фойдаланиш бўйича ажойиб тартиб ўрнатилган экан. Механизатор ўз ихтиёридаги агрегатни тегишли километргача ишлатганидан сўнг, албатта, жадвал бўйича техник қаровни амалга оширади, унинг қисмларини ёғлаб қўяди. Бизда-чи, баъзан трактор ишлатилган жойида қолиб кетади. Аслида ҳамма жойда ҳам машина-механизмлар иш сменаси тугагандан кейин ювиб-артиб қўйилиши керак-ку?

Ишимизга тўғаноқ бўлаётган камчиликлардан яна бири моддий манфаатдорликнинг ўз вақтида таъминланмаганлигидир. Бугунги деҳқон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билади, ёлғон ваъдаларга ишонмайди. Сирдарё шароитида ҳам бу талабни ҳисобга олган хўжалик раҳбарлари дуруст натижаларга эришмоқдалар. Таассуфки, айрим узоқни кўролмайдиган раҳбарлар моддий қийинчиликни рўкач қилиб, одамлар ҳаётига ғамхўр бўлишни унутиб қўймоқдалар. Ахир, ҳамма ютуқларимизнинг асосида инсон омили ётади-ку?! Бу жиҳатни ҳисобга олиб ишлаш бугунги хўжалик раҳбари учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шу ўринда ўз хўжалигимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида икки оғиз сўз. 1999 йилда 137 гектар экин майдонидан иборат фермер хўжалиги ташкил этганмиз. Ўша пайтгача мазкур даланинг ҳар гектаридан 9 центнердан ҳосил олинган экан. Сабаби — тик ва горизонтал дренажлар умуман ишлатилмаган, ернинг шўри ювилмаган. Биринчи йили ҳосилдорликни 21 центнерга чиқардик. 2004 йил якунларига кўра, ҳар гектар ердан олинган «оқ олтин» 26 центнерни ташкил қилди.

Албатта, бундай ўсишга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Сирдарё шароитида ютуқнинг асосини техника ҳал қилади. Иш қуроли соз бўлган, машина-механизмлардан унумли фойдаланган деҳқон кўнгилдаги натижага етишади. Шу маънода, хўжалигимизда техника воситаларини авайлаб ишлатиш, унумдорлик кўрсаткичларини тобора яхшилаш муҳим шиоримизга айланган. Бир мисол. Ҳозирги кунда 30-35 йилдан буён ишлатиб келаётган агрегатлар техника паркимизда сақланмоқда. Бунга ҳар бир техника воситасини уни ишлатадиган механизаторга далолатнома асосида топшириш ва қабул қилиб олиш ҳисобига эришаяпмиз.

Юртбошимиз халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ёшларга мурожаат қилиб, меҳнатда жасорат кўрсатиш учун қўриқ ерлар катта майдон эканлигини таъкидладилар. Коллежимизда таълим олаётган 700 нафар йигит-қиз бу даъватни бевосита ўзларига дахлдор деб билмоқда. Улар тегишли мутахассислик курсини битирганларидан сўнг ўзларини чўл бағрида кўрсатишга қатъий бел боғлаганлар. Ўйлаймизки, қалбида Ватан ғурури жўш урган, она тупроққа нисбатан чексиз муҳаббат туйғуси билан тўлиб-тошган ёшлар Мирзачўл бағрида чинакам мўъжизалар кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилишади. Зотан, ҳаётда жасорат кўрсатиш учун ҳамиша имконият бор.

Я. ҲАЙДАРОВ,
Оқолтин ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

Дала деҳқонни чорламоқда



жойларда экин-тикин ишларига тайёргарлик қандай?

Бугуннинг гапи

Юртимизга баҳор кириб келди. Табиат уйғониб, ҳар бир майса, довдарахтга ҳаёт бахш этмоқда. Бутун олам яшилликка бурканмоқда. Эрта-индин бобо деҳқон экин-тикин ишларини бошлаб юборади.

Баҳорги ишларни амалга ошириш, табиийки, кузги-қишки юмушлар — ариқ-зовурларни тозалаш, техникани таъмирлаш, шўр ювиш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ишлари қандай бажарилганлигига боғлиқ. Айтиш жоизки, бултур қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори натижаларга эришган деҳқонларимиз ана шу тадбирларни бажаришга барвақт киришиб, бу борада муайян муваффақиятларга эришмоқдалар.

Республикамизда шўрланган ерлар бир неча юз минг гектарни ташкил этгани боис, бу борадаги амалга оширилаётган ишларни олиб кўрайлик. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг маълумотларига кўра, бу йил жами 785 минг гектардан ортиқ майдонларга яхоб суви бериш режалаштирилган эди. 1 мартгача бу тадбир қарийб ниҳоясига етказилди. Лекин иккинчи-учинчи шўр ювиш Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилоятларида оқсамоқда.

Ерларнинг унумдорлигини оширишда, айниқса, маҳаллий ўғитларнинг самараси катта. Албатта, ушбу юмуш ҳар бир ҳудудда ернинг ҳолатига қараб белгиланади. Лекин бу борада амалга оширилаётган ишларни ҳамма жойда ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Хусусан, Бухоро, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари, кўпгина жойларда мазкур юмушга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Ҳали вақт бор, унинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, маҳаллий ўғит жамғаришни тезлаштириш, далаларга етарли даражада гўнг ва бошқа чиқиндиларни олиб чиқиш лозим.

Жорий йилда, шунингдек, куз ва қиш пайтларида 6327 километрлик суғориш, 6055 километр узунликдаги зовур-дренаж тармоқларини тозалаш кўзда тутилган эди. Бу ишлар ҳам жадал олиб борилмоқда. Лекин Андижон, Тошкент ва Жиззах вилоятларида гидротехник иншоотлар ҳамда гидропостларни таъмирлаш ишлари талаб даражасида эмас. Шу боис, вақт борида ушбу юмушларни жадаллаштириш лозим.

Халқимиз "Техника — деҳқоннинг қаноти" деб бежиз айтмаган. Одатда ёз ва куз давомида ишлатиладиган трактор ва бошқа техника воситалари қиш фаслида таъмирланади. Бу даврда бутун ишчи кучи ва имкониятлар мазкур юмушни тезроқ тугаллашга жалб этилади. Сабаби — яхши таъмирланган техниканинг иш унумдорлиги юқори бўлади. Ҳозиргга қадар кўпгина вилоятларда мавжуд техника воситаларининг барчаси аллақачон таъмирдан чиқарилгани қувонарлидир. "Ўзагромашсервис" бирлашмасидан олинган маълумотларга кўра, 26 февралгача республикамизда мавжуд ҳайдов тракторларининг 98,8 фоизи, чопиқ тракторларининг 99,4 фоизи, чигит экиш сеялкаларининг ҳаммаси таъмирдан чиқарилган.

Маълумки, ҳукуматимиз топшириғига кўра, чигит экишда ишлатиладиган техника воситаларини 15 февралгача таъмирлаш белгиланган. Шунга қарамасдан, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ҳайдов ва чопиқ тракторларини созлаш ишлари бироз кечикмоқда. Бу ишни тезликда бажариш учун барча чора-тадбирларни кўриш лозим.

Ғалла ўриш комбайнларини таъмирлашда ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда.Бу иш ҳозиргача республикамизда 85 фоиз миқдорида бажарилди. Тўғри, ғалла ўрим-йиғим мавсумигача ҳали анча муддат бор. Лекин Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятларида мавжуд техниканинг 70-75 фоизи таъмирланганлигини оқлаб бўлмайди.

Жорий йилда мамлакатимизда 1 миллион 391,4 минг гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган. Деҳқонларимизнинг таклифларига биноан эртапишар, сувсизлик ва зараркунандаларга чидамли, толаси харидоргир ҳамда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган 12 та ғўза навининг 100 минг тоннага яқин сифатли уруғлиги аллақачон жамғариб қўйилган. Бу ерга уруғ қадаш юмушларини ўз вақтида, агротехника қоидалари асосида амалга ошириш, бўлғуси ҳосилга пухта замин яратиш имконини беради, албатта.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ХАТЛАР
сўзлайди

Мамнунлик

Ҳақимиз ундирилди

Ўтган йили Ширбудин қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 25-ўрта мактабда таъмирлаш ишларини бажаргандик, бироқ «Сенпал» фирмасидан иш ҳақимизни ололмадик.

Бу ҳақда бир нечта ташкилотларга мурожаат қилдик, нафи бўлмади. Охири газетага ёздик. Кўп ўтмай «Иш битгач алдовми?» сарлавҳали мақола чоп этилди. Шундан кейингина шаҳар прокуратураси ишни ўрганиб, ҳақимизни тўлиқ ундириб берди. Масаланинг ижобий ҳал қилинишида амалий ёрдам кўрсатганларга миннатдорчилигимни билдираман.

Азамат МАВЛОНОВ.
Бухоро шаҳри.

Нажот истаб

Газ қачон ёнади?

Шаҳарнинг қоқ марказида яшасангу, ўчоқда олов ёқиб овқат пиширсанг қизиқ-да. Қиш мавсуми бошланиши билан бизнинг аҳволимиз ҳар доим шу.

Табиий газ, электр учун тўловларни вақтида тўласак-да, газнинг босими пастлигидан қийналиб кетдик. Шикоятларимизни масъул ташкилотлар эътиборга олмаяпти.

Насиба ҚАЗОҚОВА.
Қарши шаҳри.

Изҳор

Ташаккур

Автоҳалокат туфайли Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиалига келиб қолдим.

Марказнинг травматология бўлими шифокорларининг инсон саломатлигини сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларидан кўнглим тўлди. Ўз касбининг устаси бўлган, инсон ҳаётини сақлаб қолиш, саломатлигини тиклаш касбий бурчи ҳисобланган М.Тошпўлатов, Ж.Ҳушвақтов, Т.Азимовларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Улар ҳар қандай мушкул вазиятларда ҳам ўз бурчларини адо этмоқдалар. Зеро, олам қалби эзгулик нурига йўғрилган олижаноб инсонларнинг эзгу ишлари туфайли мунаввардир.

М. АҲМЕДОВА.
Тошкент шаҳри.

Муаммо

Эътиборсизлик оқибати

Кейинги пайтларда Бобур номли маҳалламизга эътибор сусайди. Кўчаларимиз неча йиллардан буён таъмирталаб бўлиб ётибди.

«Университет» кўчасига чиқиладиган ерлар участкаларга тақсимлангандан сўнг тор йўлак бекитиб ташлангани аҳоли қатновига ноқулайлик туғдиряпти. Бундан ташқари маҳалламиздаги қудуқ тешилиб, ҳаёт манбаи бўлган сув бир неча йилдан бери оқиб ётибди. Кўпчилик бўлиб ҳам уни тузатишнинг иложи бўлмаяпти. Маҳалламизда бу йил табиий газ босими ҳам кескин пасайиб кетди. Аксига олиб чироғимиз ҳам вақти-вақти билан ўчиб қоладиган одат чиқарган. Бу масалаларда қилаётган мурожаатларимиз нега натижасиз қолиб кетаяпти. Шунга ҳайронмиз.

З. ПИРМАТОВ ва бошқалар.
Қибрай тумани.

Сурат-айблов

Техникада нима айб?

Жалолқудуқ туманининг Турсунбой Тошматов номидаги ширкат хўжалиги жамоаси ўтган йили пахта, ғалла, пилла етиштириш борасида яхши натижага эришдилар. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Бироқ ҳар доим ҳам иш маромида кетавермас экан. Хўжаликнинг марказий трактор таъмирлаш ва сақлаш устахонасидаги ҳолат кўнгилни хижил қилади.

Бу ерда қизиқ бир "одат" кузатилади: техника қисмлари бўялган, таъмирланган. Мавсумга шай қилинган. Бироқ томи ёпиқ айвонлар бўлса-да, омоч, плуглар қорли-ёмғирли кунларда ҳам очиқ ҳавода "сақланади". Ахир маблағ сарфланиб таъмирланган техника қисмларида нима айб?

СУРАТЛАРДА: ширкат хўжалиги марказий трактор таъмирлаш ва сақлаш устахонасида.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚАРОР КУЧИ ИЖРОДА

Мамлакатимизда мустақиллик мустаҳкамланиб бораётганини барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришларда ҳам яққол билиш мумкин. Ўтган йиллар мобайнида бу тизимни ислоҳ қилиш ва либераллаштириш бўйича катта қадам ташланди. Суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг янги концепцияси амалда жорий қилинди. Судлар жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди. Улар қаторида ушбу суд қарорларининг ижро этилишини таъминлаш ваколатига эга бўлган департамент фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартдаги «Судлар фаолияти, таъминотини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 120-сонли ҳамда суд тизимини янада ислоҳ қилиш мақсадида 2001 йил 22 сентябрдаги 383-сонли қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган бу янги орган асосан судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш, суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишига эришиш билан шуғулланади. Шунингдек, бошқа органлар қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш унинг олдига муҳим вазифа этиб белгиланган.

Суд — одил судловнинг олий нуқтасидир. Унинг ролини оширишда қарорлар ижроси муҳим аҳамият касб этади. Худудий бўлимимиз буни тўғри англаган ҳолда иш олиб бормоқда. Ўтган йил мобайнида вилоятдаги суд ижрочилари бўлинмаларига 30.371 та ижро ҳужжати келиб тушди. Уларнинг 215 таси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси асосида қайтарилди. 30.159 таси ёки 99.0 фоизи бўйича ижро иши юритиш қўзғатилиб, ходимларимизга топширилди. 2003 йилдан бўлинмаларда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг 66.8 фоизи бажарилган эди. Бундан суд қарорларини амалга ошириш кўрсаткичи ортиб бораётганини билиб олиш қийин эмас.

Судларнинг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш бўйича, айниқса, сезиларли иш қилинмоқда. 2004 йилда иш юритувимизда 14 миллиард 475 миллион 602 минг 407 сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати мавжуд эди. Ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан қарздорлардан ана шу сумманинг 78.7 фоизи тўла ундирилди. Бу 2003 йилнинг якуний натижасига нисбатан 12.7 фоизга кўп демакдир. Наманган шаҳар, Норин, Наманган, Мингбулоқ, Учқўрғон ва Уйчи туманларидаги ижро бўлинмаларимизнинг ундирувларни амалга ошириш бўйича вилоят кўрсаткичидан ҳам юқори натижаларга эришганини алоҳида қайд этиш жоиз. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи жисмоний, юридик шахслар ёки тадбиркорлар фойдасига маблағ ундиришга оид суд қарорларининг ижроси ҳам таъминланмоқда.

Шу каби суд ижрочилари бўлинмаларида жиноятлар натижасида етказилган зараларни, давлат фойдасига жарималар, давлат божи ва суд харажатлари каби тўловларни ундириш ҳақидаги ҳужжатлари бўйича ижро иши қонунда белгиланган асосларга кўра тамомланди. Хўжалик судларининг қарорлари асосидаги ундирувлар 2003 йилга нисбатан 15 фоиз ўсди. Наманган шаҳар, Норин, Уйчи ва Наманган туманлари бўлинмаларида бу соҳадаги ундирувлар 90-94 фоизга уддаланди. Корхона ва ташкилотларнинг тўламаган солиқларни ҳамда бюджетга мажбурий тўловларни мол-мулки ҳисобидан ундиришга оид хўжалик суди қарорларининг ижросини таъмин этиш бўйича ҳам ходимларимиз жойларда фаол иш юритмоқдалар.

Лекин, судлар томонидан қабул қилинаётган ва департаментга келиб тушаётган қарорларнинг тўла ижросига эришиш осон кечмаётганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Ижрочиларимиз бунда катта қийинчиликларга дуч келишаётир. Шундай жисмоний ва мансабдор шахслар борки, улар қонунларни назар-писанд қилмай ижро ҳужжатларининг бажарилишига, турли йўллар билан тўсқинлик қилмоқдалар. Буни уларнинг «қоп-қоп» ваъдалар бериб, унинг ўддасидан чиқишмаётганидан, вақти келганда номаълум томонларга жуфтакни ростлаб қолишаётганидан, шу тарика ижрочиларимизни сарсон-саргардон қилишаётганидан билса бўлади. 2004 йилда суд ижрочиларининг қонуний талабларини ўз вақтида ёҳуд умуман бажармаган 146 нафар жисмоний ва мансабдор шахсга нисбатан департамент томонидан 1.642 минг 675 сўм миқдорида жарима жазоси қўлланди. Бу суммани нинг 95 фоизи тўла ундирилди.

Масалан, Наманган шаҳар, Косонсой кўчасига жойлашган «FATH-AVTO» ташкилоти бюджетдан бўлган 2 миллион 408 минг 977 сўм қарзини узоқ вақт тўламай юрди. Оқибатда шу иш бўйича вилоят хўжалик судининг бўлимига келиб тушган ижро ҳужжатининг бажарилиши чўзилиб кетди. Ижрочиларнинг бир неча бор огоҳлантиришига қарамай ташкилот раҳбарлари бундан хулоса чиқаришмади. Текширишда ташкилотнинг тўлов қобилияти мавжуд бўлгани ҳолда раҳбарларнинг айби билан бюджетга пул ўтказилмай, аксинча уни айлантирилаётганлиги фош қилинди. Ана шундан сўнг департамент томонидан мазкур ташкилотга кескинроқ чора кўрилди. Яъни банкдаги ҳисоб рақамига банд солиш ва инкасса қўйиш йўли билан кўрсатилган сумма қисқа вақт ичида тўлиқ ундирилиб, давлат бюджетига йўналтирилди. Савол туғилади, ташкилотга нисбатан ана шундай чора қўллаш зарурмиди? Унинг раҳбарлари бу ҳақда нега аввалроқ ўйлашмади? Шунингдек, вилоят хўжалик судининг ижро ҳужжатига биноан Наманган туманидаги «Исроил-ота» фермер хўжалиги фойдасига шу тумандаги «Хонобод» ширкат хўжалигидан 7 миллион 878 сўм қарз суммаси ундириб берилди.

«3-Наманган қурилиш» бошқармаси ҳам вилоят хўжалик суди қарори асосида 2003 йил 13 декабрь ҳолатига бюджетдан бўлган 41 миллион 980 минг 200 сўм қарзини узоқ вақт тўламади. Бошқарма раҳбари Орифжон Саркаров бундан ўзини олиб қочиб юрди. Ижро ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермади. Орадан ойлар ўтди. Уни қарангки, текширишда бошқарма тугатилиб, у 3-масъулияти чекланган жамиятга айлантирилгани аниқланди. Бошқарма раҳбари «ташкилот йўқ бўлиб кетса, шу баҳонада қарздан қутиламиз», деб хомхаёлга берилган бўлса керак-да. Департамент томонидан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига асосан собиқ бошқармани нинг давлатдан бўлган қарзини тўлаш мажбурияти 3-масъулияти чекланган жамиятга юклатилди. Қарзни ихтиёрий равишда тўламаганлиги учун жамиятда тегишли Наманган шаҳар, Тўқимачилар кўчасига жойлашган икки қаватли бино хатланди. Мутахассис жалб этилиб, бу бино 19 миллион 365 минг 100 сўмга баҳоланди. Ҳозирда мазкур бинэ кўчмас мулк биржасида очиқ кимошди савдосига қўйилган. Бино сотилгач, белгиланган қарз суммаси албатта давлат бюджетига ўтказилади.

Яна бир мисол, департаментга фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судидан Наманган шаҳрида яшовчи хусусий тадбиркор Тоҳир Мирзабоевдан «Ғазалкент-ойна» корхонаси фойдасига 26 миллион сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушди. Текшириш жараёнида қарздор шунча катта миқдордаги ойналарни бозорда пуллаб, бу билан қаноатланмай уй-жойини, барча мулкларини ҳам сотиб юбориб қаёққадир қочиб кетганлиги маълум бўлди. Айни вақтда у ички ишлар органлари томонидан қидирилмоқда.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, жисмоний ва юридик шахслар ўзаро тузилган шартнома шартларини бажармаганидан, бошқача қилиб айтганда бирбирини алдаганидан кейингина судларга мурожаат этадилар. Қарздор эса судда қатнашиб, ўзига нисбатан пул ундириш ҳақидаги қарор чиқарилганини билгач, мол-мулкларини сотиш ёки яшириб қўйиш пайига тушади. Оқибатда суд қарорининг ижросини амалга ошириш қийинлашади ёки уни умуман бажариб бўлмайди. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш учун пул ёки мулкни ундириш билан боғлиқ бўлган ишларни судлар томонидан кўриш жараёнида қўшимча ажримлар қабул қилиб, қарздорларнинг мавжуд мол-мулкларини суд ижрочилари орқали хатлаб қўйиш амалиётини кенг қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Биз олдимизга қўйган мақсадни соддагина ифодаламоқчи бўлсак — ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими — бу-ларнинг барчаси қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт. Яъни, ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор», деган эди. Бу ишга масъулият билан ёндошишга, судларнинг тўғри ва аниқ қарор қабул этишига, сўзсиз унинг бажарилишини таъминлашга қилинган даъватдир».

Суд қарорининг кучи унинг ижроси билан белгиланади. Ижро ҳужжати бажарилмас экан, у қоғозда қолиб кетади. Буни яхши ҳис этган ижрочиларимиз фаолиятларини янада ошириб, судларнинг ҳар бир қарорини ўз вақтида бажарилишини таъминлашга эътиборни қаратаверадилар.

Ҳакимжон ИБРАГИМОВ,
Судлар департаменти Наманган вилоят ҳудудий бўлимининг бошлиғи.

Академик Ёлқин Холматович ТЎРАҚУЛОВ

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. Шафқатсиз ўлим биокимё ва тиббиёт соҳасининг йирик намояндаси, илм-фан ташкилотчиси, академик Ёлқин Холматович Тўрақуловни 89 ёшида орамиздан олиб кетди.

Ёлқин Тўрақулов 1916 йилда деҳқон оиласида туғилди. 1936 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатгач, мазкур институтнинг биокимё кафедраси аспирантурасида таҳсил олди. 1941 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, ўзининг тиббий билим ва тажрибаси билан кўплаб жангчиларни ўлимдан сақлаб қолди.

1944-1957 йиллар мобайнида республикамиздаги бир қатор илм-фан муассасаларида илмий-педагогик фаолият олиб борди. 1959 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилгач, кўп йиллар давомида Ўлка тиббиёт институти, Ядро физикаси институти, Биокимё институти, Самарқанд давлат университетида раҳбарлик лавозимларида ишлади.

У 1961-1966 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти вазифасида хизмат қилди.

Ёлқин Тўрақулов 1976 йилдан 1997 йилгача Ўлка тиббиёт (ҳозирги Эндокринология) илмий-тадқиқот институтига раҳбарлик қилди ва умрининг охирига қадар мазкур институтда илмий маслаҳатчи бўлиб ишлади.

Академик Ёлқин Тўрақулов раҳбарлигида қалқонсимон без гормонларининг биокимёси ва хужайралар метоболизми, қатор эндокрин хасталиклари бўйича чуқур ва мукаммал тадқиқотлар олиб борилиб, янги диагностика мезонлари ишлаб чиқилди ва самарали даволаш усуллари амалиётга татбиқ этилди.

Республикамизда биокимё ва тиббиёт соҳасида илмий мактаб яратган олим ўзининг 60 йилдан зиёд давом этган фаолияти мобайнида кўплаб илмий-педагогик кадрлар тайёрлади.

Унинг биокимё ва тиббиёт фанлари равнақига қўшган ҳиссаси, илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти, "Эл-юрт ҳурмати" ордени ва бошқа қатор орден-медаллар билан мукофотланган эди.

Бутун умрини инсон саломатлигини асрашдек эзгу ишга, Ўзбекистон фанини ривожлантиришга бағишлаган атоқли олим, меҳрибон мураббий, камтарин инсон Ёлқин Тўрақуловнинг хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, М.ШАРИФХЎЖАЕВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Р.ҚОСИМОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ, Ф.НАЗИРОВ, Т.СОАТОВ, С.ИСМОИЛОВ.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Яқин Шарқ бўйича конференция

Сўнгги йилларда мустақил Фаластин давлати барпо этиш бўйича кўп гапирилаяпти. Албатта, унинг ташкил қилиниши Яқин Шарқ муаммосини бартараф этиш, ҳудудда тинчлик ва осойишталик ўрнатишда муҳим омилдир. Мухториятга янги раҳбар сайланганидан кейин бу борада ишлар янгича руҳ касб этди. Фаластинлик ва исроилликлар ўртасида келишувга эришиш учун энг қулай вазият юзага келди. Жаҳон ҳамжамияти ҳам илиқлашаётган муносабатларни янада ривожлантириш, минтақада тинчлик-тотувлик ўрнатиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Лондон шаҳрида бўлиб ўтган Яқин Шарқ бўйича халқаро конференция ҳам жаҳон халқи Фаластин янги раҳбарияти сиёсатини қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди. Унда иштирок этган Европа Иттифоқи давлатлари ҳамда АҚШ расмий вакиллари Фаластин давлати барпо этиш борасида амалий қадамлар қўйиш тўғрисида келишиб олишди. Ушбу келишув мустақил Фаластиннинг ривожида юзага келадиган турли муаммолар, шу жумладан, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий йўналишлар ҳамда ҳукумат тузилмаларини ҳам қамраб олади.

АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс ўз чиқишида ҳозир Исроил ва Фаластин ўртасида тинчликка эришиш учун имкониятлар ҳар қачонгидан кўпроқ эканини таъкидлади. Шу билан бирга, у Исроил Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғидан ўз қўшинларини олиб чиқаётганини юқори баҳолади ва расмий Тель-Авив тинчлик жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳаракатлар қилмаслиги лозимлигини қайд этди.

Ўз навбатида Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Европа Иттифоқи Фаластин мухториятида сиёсий институтлар ташкил қилишда кўмаклашишга тайёр эканини билдирди. АҚШ эса хавфсизлик масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузади ва уни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида яқинда минтақага расмий вакил юборадиган бўлди. Жаҳон банки минтақанинг иқтисодий ривожланиши масалалари билан шуғулланади.

Анжуманда сўзга чиққан Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос минтақада тинчлик ўрнатиш борасидаги ишлар давом эттирилишини ва у Исроил раҳбарияти билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини қайд этди. Маҳмуд Аббос ислоҳотлар тарафдори экани ва ҳудудда зўравонликлар барҳам топишини истаётганини билдирди.

Халқаро конференцияда жами 23 та давлат расмий вакиллари ва БМТ Бош котиби Кофи Аннан иштирок этди.

С. ДОНИЁРОВ тайёрлади.

Қўшинлар уйига қайтади

Украина миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши ўз ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк маълум қилди.

Мамлакат ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиш амалиётларининг биринчи босқичи 15 мартдан бошланади. Украина мудофаа вазири Анатолий Гриценконинг айтишича, ушбу босқичда 150 нафар ҳарбий ўз ватанига қайтади.

Украиналик ҳарбийлар мамлакат президенти қарорига биноан 2003 йилнинг августидан буён Ироқда хизмат ўтамоқда. Ушбу даврда 1600 нафар аскар Ироқда бўлди. Уларнинг 17 нафари хизмат чоғида, бир нафари эса юрак хасталиги туфайли оламдан кўз юмди, деб хабар беради Би-би-си мухбири.

Гонконг раҳбари истеъфога чиқди

Гонконг ҳукумати раҳбари Тун Чихуа соғлиғи туфайли истеъфога чиқишга қарор қилди, деб хабар беради маҳаллий газеталар.



Бироқ, бу маълумот Хитой расмийлари томонидан тасдиқланмаган. Тун Чихуа 1997 йилдан, яъни Гонконг Хитой юрисдикциясига ўтганидан сўнг ҳукуматга раҳбарлик қилиб келган. Унинг ваколат муддати 2007 йилда тугаши лозим эди. Маҳаллий журналистларнинг хабар беришларича, эндиликда Тун Чихуа ўрнини унинг ўринбосари Дональд Цан эгаллайди.

Дўстум — бош штаб бошлиғи

Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай Абдурашид Дўстумни мамлакат армияси бош штаби бошлиғи этиб тайинлади, деб хабар беради Би-би-си агентлиги.

Кузатувчиларнинг фикрича, Ҳамид Карзай дала қўмондонларига қарши кураш эмас, балки уларни ҳукумат таркибига киритиш сиёсатини олиб бормоқда. Дўстумнинг бош штаб бошлиғи этиб тайинланиши бунинг яна бир исботи бўлди.

Террорчиларга нисбатан ҳукм

Рим суди «Қизил бригада» сўлчилар ташкилотига аъзо икки террорчи аёлга нисбатан ҳукм чиқарди. Улар 1999 йили Италия ҳукумати маслаҳатчиси Массимо Д'Антонига суиқасд уюштиришда иштирок этишган. Террорчилардан бири — Лаура Пройетти умрбод, унинг шериги — Чинция Банелли 20 йил қамоқда ўтиради, деб маълум қилади ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Олий суд қарори

АҚШда ўсмирларга ўлим жазоси бекор қилинди. Мамлакат Олий суди ана шундай қарорга келди.

Олий суд матбуот хизматидан маълум қилишларича, бундан буён ўлим жазоси жиноят содир этилган пайтда ҳали 18 ёшга кирмаган ўсмирларга нисбатан қўлланилмайди.

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда Афғонистон Ислом Давлати президентининг катта маслаҳатчиси, савдо вазири Ҳидоят Амин Арсала раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Ушбу ташриф доирасида Афғонистонни тиклаш йўлидаги ҳамкорликни ривожлантиришда товарлар ва хизматларни етказиш ҳамда илғор тажрибани ёйишга бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг (БМТТД) юртимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирни очар экан, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Насриддин Нажимов икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил равнақ топаётганини таъкидлади. Юртимизда афғонистонлик ишбилармонлар сармояси иштирокида ташкил этилган юздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Ўтган йили Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо муомаласи 2003 йилдагига нисбатан 45 фоиз кўпайди.

Ўзбекистон Афғонистонни тиклаш ишларида фаол иштирок этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз йўлсозлари ва кўприксозлари амалга ошираётган ишлар таҳсинга сазовор. Шунингдек, хориждан Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилаётган юкларни манзилига етказишда Ўзбекистон муҳим ўрин тутади. БМТ билан келишувга биноан, бундай юкларнинг аксарият қисми Термиз-Ҳайратон чегара маскани орқали Афғонистонга ўтказилмоқда.

Афғонистон савдо вазири Ҳидоят Амин Арсала ва БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Фикрет Акчура Тошкент бизнес-форуми бу борада минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашига ишонч билдирди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА мухбири.

Китобхон жиззахликлар

Жиззах вилояти универсал кутубхонасига куни кеча 9 минг нусхадаги китоблар келтирилди. Мамлакатимизнинг турли нашриётларида чоп этилган ушбу китоблар вилоятдаги 265 та кутубхонага, айниқса вилоятнинг энг чекка қишлоқларида жойлашган кутубхоналарга тарқатилиши режалаштирилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан бепул ажратилган китобларнинг асосий қисми Янгиобод, Бахмал, Фориш туманларидаги кутубхоналарга етказиб берилди. Китобларнинг деярли барчаси лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида чоп этилган.

Ўз мухбиримиз.

"АХБОР-РЕЙТИНГ" БАНКЛАРАРО РЕЙТИНГ КОМПАНИЯСИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий фаолиятининг 2004 йил якунлари бўйича рейтинг баҳолари

"Ахбор-рейтинг" БРК Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий фаолиятининг 2004 йил якуни бўйича рейтинг баҳоларини эълон қилади. Компания ўтказадиган умумреспублика рейтингида мамлакатимизнинг 32 банкларидан 26 таси иштирок этди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, банкларнинг рейтингда иштирок этиши ихтиёрий жараён ҳисобланиб, у ёки бу банкнинг рейтингда қатнашмаслиги, унда қандайдир молиявий қийинчиликлар мавжудлигидан дарак бермайди.

Банклар ўртасида рақобат кескинлашган бир пайтда "Ахбор-рейтинг" БРКнинг рейтинг баҳолари банклар учун янги-янги мижозлар орттиришда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзларига банк танлашларида ўзига хос йўналиш тарзида хизмат қилади.

2004 йил натижалари шуни кўрсатадики, компаниянинг рейтингида қатнашган тижорат банклари ўзларининг молиявий салоҳиятларини кўтардилар. "Молиявий қўламлилик" кўрсаткичининг ўртача бали 22.78%га кўтарилди. "Рентабеллик" кўрсаткичининг ўртача бали бўйича эса 2.6%га ўсди. Банклар гуруҳлари бўйича 2004 йилда қуйидаги банкларда ўсиш суръатининг юқорилигини кузатиш мумкин: "Молиявий қўламлилик" кўрсаткичи бўйича — "Ўзсаноатқурилишбанк", "Ўзуйжойжамғармабанк", "Ипак йўли" банки, "Ҳамкорбанк"; "Ишончлилик" кўрсаткичи бўйича — "Ғаллабанк", "Пахта банк", "Кредит-Стандарт" банки ва "Ипак йўли" банки; шунингдек, "Рентабеллик" кўрсаткичи бўйича эса — "Кредит-Стандарт" банки ва "Ипак йўли" банки.

2004 йил якунлари бўйича "Ахбор-рейтинг" банклараро рейтинг компанияси рейтингида иштирок этувчи банклар ичидан "Кредит-Стандарт" банки, "Ўзсаноатқурилишбанк" ва "Бизнес банк" энг яхши банклар деб тан олинди. Бу эса ушбу банклар рейтинг параметрларига тўликроқ жавоб беришларини кўрсатади.

Яна ҳам тўликроқ маълумотни жадваллардан олиш мумкин. Тижорат банклари ўзларининг молиявий қўламлиликлари ва ташкилий-ҳуқуқий мавқеларига қараб гуруҳларга бўлинган. Чунки, шу тарзда банкнинг нафақат шу гуруҳ ичидаги, балки ўзига ўхшаш банклар ичидаги ўрнини яққол кўриш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ 2004 ЙИЛ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА РЕЙТИНГ БАҲОЛАРИ

Давлат банклари орасида

Банкнинг номи	Балл	Гуруҳдаги ўрни
Халқ банки	19,11	1
"Замин" банк	9,15	2

Хусусий банклар орасида

Банкнинг номи	Балл	Гуруҳдаги ўрни
"Кредит-Стандарт" банки	56,83	1
Бизнес банк	49,21	2
Давр банк	49,07	3
АлпЖамол банк	46,42	4
Капиталбанк	29,00	5
Ўктамбанк	17,53	6
Универсалбанк	15,38	7
Парвинабанк	9,85	8
Равнақ банк	8,45	9

Акциядорлик-тижорат банклари орасида

Банкнинг номи	Балл	Гуруҳдаги ўрни
Ўзсаноатқурилишбанк	51,35	1
Ғаллабанк	45,83	2
Пахта банк	44,60	3
Ҳамкорбанк	42,09	4
"Ипак йўли" банки	37,24	5
Ўзуйжойжамғармабанк	36,74	6
Туронбанк	28,08	7
Трастбанк	21,48	8
Савдогарбанк	19,36	9
Тадбиркорбанк	11,91	10

Хорижий капитал иштирокида ташкил этилган банклар орасида

Банкнинг номи	Балл	Гуруҳдаги ўрни
АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон ҲЖ	30,36	1

Умумий кўрсаткичлар бўйича гуруҳлар ичидаги етакчи банклар

Умумий кўрсаткичлар	Ранг	Йирик банклар	Ўрта банклар	Кичик банклар
Молиявий фаолият кўлами	1	Ўзсаноатқурилишбанк	Ҳамкорбанк	Универсалбанк
	2	Пахта банк	Савдогарбанк	Ўктамбанк
	3	Ўзуйжойжамғармабанк	Тадбиркорбанк	
	4		Бизнес банк	
	5		"Ипак йўли" банки	
Тижорат банкининг ишончлилиги	1	АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон ҲЖ	"Кредит Стандарт" банки	Даврбанк
	2	Халқ банки	Бизнес банк	Ўктамбанк
	3	Ўзсаноатқурилишбанк	АлпЖамол банк	
	4		Ҳамкорбанк	
	5		Капиталбанк	
Рентабеллик	1	Ғаллабанк	"Кредит Стандарт" банки	Даврбанк
	2	Ўзсаноатқурилишбанк	Бизнес банк	Универсалбанк
	3	Ўзуйжойжамғармабанк	АлпЖамол банк	
	4		Ҳамкорбанк	
	5		"Ипак йўли" банки	

"Ахбор-рейтинг" БРК

Соғлом авлод учун

Якунланган йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан сўнг, жамғарма Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Хўш, бундан кўзланган мақсад амалга ошдими? Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари Нодир Мақсумов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

Энг яхши тарбия Воситаси спортдир

— Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидан сўнг журналистларга берган интервьюсида ёшлар тарбияси бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан эканини, уларнинг турли номақбул йўлларга кириб кетишининг олдини олиш барчанинг бурчи эканлигини куюнчаклик билан гапирдилар, — дейди Н. Мақсумов. — Энди ҳаётга кириб келаётган, ўз дунёқарашига эга бўлмаган ёшларимизнинг онгига, турли чет ғояларни сингдириб, уларни зомбига айлантириш, отасига, онасига қарши кўйиш ҳолатларига қарши кенг жамоатчилик биргаликда курашиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Таъбир жоиз бўлса, мен бу хавфга қарши курашда жисмоний тарбия ва спортни биринчи ўринга кўйган бўлардим. Чунки спорт ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Спорт билан шуғулланган ёшлар ўз мустақил фикрига эга бўлади.

Эътибор берадиган бўлсак, ёшларнинг асосий қисми умумтаълим мактабларида таълим олишади. Жамғармани Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам мактабларда таълим олаётган ўқувчиларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланишни йўлга кўйиш, уларни спортга мунтазам жалб этиш ҳамда барпо этилаётган спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат эди.

Биргина ўтган йили жамғарма томонидан вилоятларда 49 та янги спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. Бундай мажмуаларнинг асосий қисми қишлоқ туманларида бунёд этилаётганлиги характерлидир. Ўтган йили Ғузор туманининг энг чекка Чаноқ, Музработ туманининг Чори Қувондиқов, Тўрақўрғон туманидаги Ёртепа қишлоқларида қурилган спорт мажмуалари бугун ўша ердаги минглаб ёшларнинг севимли даргоҳи бўлиб қолди. Албатта, қурилаётган иншоотларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга ҳам асосий эътиборни қаратганмиз. Шу мақсадда ўтган йилнинг кузида "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистон спорт саноати — болаларга" мавзусидаги республика кўргазмасида мамлакатимиздаги 28 та спорт анжомлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарадиган корхона ва ташкилотлар иштирок этишди. Тендер комиссияси томонидан ғолиб деб топилган 7 та саноат корхонаси билан 500 миллион сўмлик шартнома имзоланди. Биринчи босқич бўйича янги қурилган спорт иншоотларини 2005 йилнинг 1 мартигача жиҳозлаб бўлиш белгиланган. Жамғарма томонидан махсус спорт карвонлари ташкил этилиб, жойларга спорт ускуналари етказиб берилаяпти.

Ҳозиргача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги 88 та спорт мажмуалари қисман спорт ускуналари билан таъминланди. Жорий йилнинг иккинчи ярмида яна 41 та спорт мажмуасини зарур жиҳозлар билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, жамғарма томонидан умумтаълим мактабларининг ҳар бирини иккитадан баскетбол, волейбол коптоклари ва шахмат каби спорт жиҳозлари билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилди. Шу кунгача Тошкент шаҳридаги 332 та, Жиззах вилоятидаги 542 та ва Сирдарё вилоятидаги 308 та, Бухоро вилоятидаги 538 та умумтаълим мактабларига ушбу жиҳозлар етказиб берилди.

Янги барпо этилаётган спорт иншоотларини малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳам олдимиздаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг малакасини оширишни йўлга қўйдик. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида икки ярим минг нафарга яқин жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ўқувга жалб этилди. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти билан ҳамкорликда республикамиздаги спорт мутахассислари учун бир ҳафталик "КАСКАД" усулида ўқув курслари ташкил этилиб, биринчи босқичда 83 нафар, жойларда ташкил этилган ўқув курсларида эса ўн саккиз минг нафарга яқин жисмоний тарбия фани мутахассислари малакаларини оширдилар.

Жамғарма ҳузурида ташкил этилган "Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш" бўлими қурилаётган спорт иншоотларига сарфланаётган маблағларнинг қонунийлигини назорат қилиб бормоқда. Бўлим томонидан Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида назорат тартибида текширишлар ўтказилганда, 813,7 миллион сўмлик молиявий қонунбузарликлар аниқланган. Ушбу ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда ҳуқуқ-тартибот органларига, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маълум қилинди. Андижон, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиаллари раҳбарлари йўл қўйган камчилик ва хаталари учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Яна бир гап. Жамғарма ҳузурида мамлакатимизнинг таниқли ва тажрибали фахрийларидан иборат жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Спорт фахрийлари кенгаши тузилган. Кенгаш аъзолари жойларда ўтказиб келинаётган барча спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, ғолибларни жамғарма томонидан тақдим этилган совғалар билан тақдирлашда қатнашмоқдалар.

"Халқ сўзи" мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Тиббий билим ҳар кимга зарур

Яқинда Тошкентдаги Вестминистер университетида оила ва жамиятда болани парваришлаш тажрибасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган бу тадбирда Ўзбекистонда болалар касаллигининг олдини олишда оилада тиббий билимнинг аҳамияти, тиббий хизмат кўрсатувчи ходимлар тажрибасини ошириш сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, 2000 йилдан эътиборан қўлланиб келинаётган БКИБ (Болалар касалликларини интеграцион бошқариш)нинг натижалари эълон қилинди. Бу дастур Сирдарё, Навоий вилоятлари, Қувасой шаҳри ва Боғдод туманида амалда синаб кўрилди. Ундан кўзланган мақсад шифокорларни замонавий фан ютуқлари билан таништириб, малакасини оширишгина эмас, балки оилада болани парваришлаш учун ота-онага тўғри йўл-йўриқлар беришдан иборатдир. Семинарда аҳолини етарли даражада тиббий ахборот билан таъминлашда оммавий ахборот воситалари катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Гулгун СУЛТОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

Дастур — амалда

Фарғона туманининг Аввал қишлоғида «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури ижросига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Анжуман қатнашчилари қишлоқ марказидаги сиҳатгоҳлар, хонадонларда бўлиб, оилаларда соғлом муҳит яратиш, ёшларни баркамол оила қуришга тайёрлаш, атроф-муҳит мусаффолиги учун курашиш, шахсий ва оилавий гигиена соҳасидаги қўникма, малака ва маданиятни ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг «Соғлом ҳалқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» деб номланган маърузасида ўртага қўйилган масалаларни бажаришда муҳим омил бўлиши кўрсатиб ўтилди.

Худди шундай амалий, кўргазмали учрашувлар, мулоқотлар вилоятнинг бошқа қишлоқ, маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Олималар анжумани

Урганч шаҳрида "Ёш олималарнинг илм-фан тараққиётидаги роли" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Хоразм Маъмун академияси, Олима аёллар уюшмаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва "Зулфияхоним қизлари" клуби ҳамкорликда ташкил этган ушбу илмий анжуманда вилоятнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган, изланаётган олима аёллар иштирок этдилар.

Анжуманда хоразмлик зиёли аёлларнинг илм-фан, техника тараққиётидаги ижодий ишлари ҳақида тўхталиб ўтилди.

Ойбек РАҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«Балоғат бекати» — ҳуқуқий кўмакдош

Наманган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг "Диёнат" газетаси чоп эта бошлаган мазкур илова ўсмир-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини шакллантиришга йўналтирилган. Ижодий жамоа таълим даргоҳлари фаолияти, уларда таҳсил олаётган йигит-қизларнинг изланишлари, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мавзуларини кенг ёритиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш учун таклиф

Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) томонидан Ўзбекистон Республикасига "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш" лойиҳасини амалга ошириш учун займ маблағи ажратилган. Ушбу займ маблағининг бир қисми мазкур шартнома бўйича тўловлар учун ишлатилади.

Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги ОТБ лойиҳасининг бошқарув гуруҳи (буюртмачи) қуйидаги шартнома бўйича талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш учун компанияларни таклиф этади.

Тахиатош сув тозалаш иншоотини таъмирлаш (қуввати 60 минг м³/кун)

Қўшимча маълумотлар олиш ва талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатини кўриб чиқиш учун соат 10.00 дан 12.30 гача ҳамда 13.30 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

700003, Ўзбекистон,
Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-А уй,
Иқтисодиёт вазирлиги,
ОТБ лойиҳаси бошқарув гуруҳи.
Телефон: 998 (71) 132-65-13.
Факс: 998 (71) 132-64-97.

Талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатининг инглиз тилидаги нусхасини сотиб олиш учун:

- талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатини сотиб олиш тўғрисида юқоридаги манзилга хат;
- қуйидаги банк ҳисобрақамларига қоплаб берилмайдиган 65 000 сўм ёки 65 АҚШ долларини тўлаш (пул ўтказиш йўли орқали):

Миллий валюта "сўм" да
Банк номи: "Асака" банк
МФО: 00873
Ҳисобрақам номи: Иқтисодиёт вазирлиги
Ҳисобрақами: 20204000600101021007
ИНН: 200794961

АҚШ доллари
Банк номи: "Асака" банк
SWIFT: ASBKUZ22
Ҳисобрақам номи: Иқтисодиёт вазирлиги
Ҳисобрақами: 20204840800101021007

- пул ўтказганлик тўғрисида ҳужжат нусхаси илова қилиниши лозим.

Талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжати юқорида таъкидлаб ўтилган манзилдан пул ҳисобрақамга келиб тушганидан сўнг олиниши мумкин.

Буюртмачи томонидан танлов ҳужжатининг почта орқали жўнатилиши учун қўшимча равишда 65 АҚШ доллари тўланиши лозим. Буюртмачи ҳужжатларни почта орқали юборилишида ҳужжатларнинг йўқолиши ва кечикиб етиб боришида ҳеч қандай мажбурият олмайди.

Танловда қатнашиш истагини билдирганлар аризаларини 2005 йил 4 май соат 16.00 га қадар юқоридаги манзилга тақдим этишлари лозим. Буюртмачи кечикиб тақдим этилган аризаларни қабул қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқига эга ва аризачилар харажатлари учун жавобгар эмас.

Буюртмачи аризачиларга талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш танловида қатнашаётганлар рўйхатини юборади.

Танлов ғолибини 2005 йил сентябрь ойида таклиф этиш кўзда тутилмоқда.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган

«ГАЗ-31105»

«ВАЗ-2106»

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ИЖ-2717»,

«ГАЗЕЛЬ»

«ZANGIOTA SAZOVOR SAVDO QURILISH MOLLARI BOZORI» Масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2005 йил 14 февралдаги йиғилиши қарорига асосан жамият устав сармояси 4500000 сўм миқдорида белгиланди. Маълумот учун телефон: 46-39-56.

"ЎЗПРИВАТБАНК" ЎХБ

«ЎЗПРИВАТБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ — СИЗНИНГ ЭЛЕКТРОН ҲАМЁНИНГИЗ.

Карточка олиш — бепул.
Ўзбекистондаги барча банкоматлар ва терминалларида қўлланилади.
Маблағлар қолдиғи бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади.

«ЎЗПРИВАТБАНК» ЎХБ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЎЗБЕКИСТОН ШОҲКЎЧАСИ, 51.
ТЕЛЕФОНЛАР: 120-63-08, 139-10-18, www.uzprivatbank.com e-mail: bank@uib.uz

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

2005 йил март ойининг репертуари

75-мавсум

3	пайшанба	18.00	Япон балет мактабининг қўшма гала концерти.
4	жума	18.00	У.Мусаев. «Тўмарис» балет.
5	шанба	17.00	Г.Доницетти. «Севги шароби», опера премьераси.
6	якшанба	17.00	Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган концерт.
9	чоршанба	18.00	Ж.Пуччини. «Богема» опера.
10	пайшанба	18.00	С.Юдаков. «Майсаранинг иши» опера.
11	жума	18.00	Л.Минкус. «Дон Кихот» балет.
12	шанба	17.00	Ш.Гуно. «Фауст», опера.
13	якшанба	12.00	Г.Гладков. «Бремен мусиқачилари», мюзикл.
		17.00	П.Чайковский. «Уйқудаги гўзал», балет.
16	чоршанба	19.00	Замонавий рақс «ОФАРИН» театри концерти «Рақҳоса».
17	пайшанба	18.00	Ж.Верди. «Риголетто», опера .
18	жума	18.00	Г.Мушель. «Қадимий Афросиёб афсонаси», балет.
19	шанба	17.00	Наврўз байрамига бағишланган байрам концерти.
20	якшанба	17.00	П.Чайковский. «Оққуш кўли», балет.
24	пайшанба	17.00	Г.Доницетти. «Севги шароби», опера премьераси.
25	жума	18.00	П.Масканьи «Қишлоқ шарафи», опера.
26	шанба	19.00	Замонавий рақс «ОФАРИН» театри концерти «Рақҳоса».
27	якшанба	17.00	Ж.Россини. «Севилья сартароши», опера.
30	чоршанба	18.00	И.С.Козловский таваллудининг 105 йиллигига бағишланган кеча.
31	пайшанба	18.00	И.Акбаров. «Сўғдиёна йўлбарси», опера.

Театр бош ҳомийси — SAMSUNG Electronics, ҳомий — Le Meridien TASHKENT PALACE HOTEL.
Театр директори — Бахтиёр Ёқубов. Бадиий раҳбар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Эргашев.

Касса дам олишсиз, соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Тел.: 133-90-81.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби, биология фанлари доктори, профессор **Ёлқин Холматович ТУРАҚУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ССВ Эндокринология ИТИ жамоаси институт директори маслаҳатчиси ва нейроэндокринология лабораторияси мудири, ЎзР ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби **Ёлқин Холматович ТУРАҚУЛОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси жамоаси ассоциация Нукус бўлими раиси Жамила Ниязовага отаси **Абдуқодир НИЯЗОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 23456